

Исломда тижоратнинг ўзига хос ахлоқи бор



14:03 / 01 январь 1850

Савдо-сотик билан шуғулланиш шарафли касблардан бирidir. Динимиз кўрсатмасига кўра тижоратда ростгўйлик, тўғрилик, мулойимлик алоҳида ўрин тутди. Инсонларнинг ҳаққига хиёнат қилмай, бир-бирини алдамай савдо-сотик қилган кишиларга охиратда Аллоҳнинг энг суюкли бандалари билан бирга бўлиш бахти насиб бўлади. Абу Саъид ал-Худрий розияллоху анҳудан: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: «Ишончли, ростгўй савдогар (жаннатда) набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир», деб марҳамат қилганлар.

(Термизий ривояти).

Тўғрилик деганда аввало, ёлғон, хиёнат, тухмат, бевафолик каби қабих ишлардан узоқда бўлиш тушунилади.

Маълумки, ҳар қандай касбни пухта эгаллаш, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш учун ана шу касбга тааллуқли илмни мукамал ўрганмоқ керак. Ўз касбига муҳаббати бор инсон меҳнатдан чарчамайди, балки у роҳатланади. Меҳнатининг самарасини кўрганда барча чарчоқларини унитади. Касби туфайли атрофдагиларига ёрдами тегса, инсон ўзини бахтли деб ҳисоблайди. Демак, инсон ҳалол меҳнати билан ваъда қилинган улўф савоблар, даражаларга эришар экан.

Демак, савдо-сотик, тижорат билан машғул бўлган киши динимиз кўрсатган йўлга мувофиқ тижорат қилса, унга охирада катта ажру мукофот бўлиши, хатто жаннатда пайғамбар-у, сиддиқлар билан бирга бўлар экан. Аммо унинг акси бўлса, ўзининг фойдаси учун ҳийла-найранг, алдамчилик, кўзбўямачилик ва фирромлик қилса, динимиз талабларидан ташқарига чиққан бўлади ҳамда қиёмат кунда оғир ҳисоб китобга мубтало бўлиши муқаррар. Баъзи бир савдогарлар ўз молини ўтказиш учун ёлғон гапирадилар, хатто ёлғон қасам ичадилар. Бу савдонинг баракасини кетказди. Бошқа томондан бало ва офатлар етиши ҳам мумкин.

Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Олувчи ва сотувчи ихтиёрлидир. Агар бир-бирларига рост сўзлаб, молини айбини яширмасалар ўрталарида барака бўлади. Агар моллари айбини яширсалар ва бир-бирларини алдасалар, савдоларида барака кўтарилади», дедилар.
(Бухорий ва Муслим ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни бозорда буғдой сотиб турган кишининг буғдойига муборак қўлларини тиқиб кўрсалар, буғдойнинг таги сал нам экан. Шунда У зот: «Бу қандай бўлди?», деб сотувчига эътироз билдирдилар. Сотувчи эса: «Ҳозир ёмғир ёғиб ўтган эди, шунинг учун нам текканини тагига қўйган эдим»-деб узр айтди. Он ҳазрат: «Нам теккани устида тураверса бўлмайдими? Кимки хиёнат қилса биздан эмас»-дедилар.

Баъзи бир ўлкаларга Исломни ёйишда мусулмон савдогарларнинг ўрни беқиёс бўлган. Кўплаб инсонлар мусулмон тижоратчилар сабабли исломга кирганлар. Хитой ерларига қарашли Шарқий Туркистон исломни мусулмон савдогарлар орқали ўрганганлар. Шу билан хитойликлар орасида ислом ёйила бошлаган. Мусулмон савдогарлар туфайли Ислом Индонезия, Малайзия, Филиппин каби Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига етиб борган. Шри-Ланканинг жанубий ғарбида жойлашган Малдив ороли ва Вьетнамга ҳам исломнинг тарқалиши ортида мусулмон савдогарларнинг хизматлари катта.

Африка қитъасининг шимолидан тортиб марказий-шарқий ва жанубий

Африкагача бўлган ҳудудларда ҳам исломнинг тарқалишига мусулмон савдогарларнинг ўрни ниҳоятда беқиёс.

Бироқ, қалб қулфларининг исломга очилишида тижоратчиларнинг хулқи қандай ўрин тутган?

Ана ўша биз улар ҳақида гапираётган тижоратчилар кўп ишлар қилмаган. Лекин улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган хулқ билан хулқланган эдилар холос.

Бу хулқ Аллоҳ таоло ўз набийини **وَلَعَلَّ كُنْزًا** «Сиз буюк хулқ узрадирсиз» деб мақташига сабаб бўлган хулқ эди.

Бу хулқ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

قالخأل مراكم ممتأل تثعب

«Мен ахлоқларнинг энг мукаррамларини мукамал қилиш учун юборилдим» деган сўзларида жо бўлган хулқ эди.

Масруқ розияллоҳу анҳу айтади: “Биз Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу билан ўтирган эдик. У бизга: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фаҳш ишларни қилувчи ҳам фаҳш гапларни айтувчи ҳам эмасдилар. У зот:

اقالخأ مكنسأح أم كرايخ نإ

«Сизларнинг энг яхшиларингиз хулқи гўзалларингиздир, дер эдилар», - деди».

(Бухорий ривояти).

Жобир розияллоҳу анҳу айтади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

اقالخأ مكنسأح أم اي قلا موي أسلجم ي نم م ك برق أو ي ل م ك ب ح أ ن م نإ

«Сизларнинг менга энг севиклигингиз ва қиёмат куни менга энг яқин жойда бўладиганингиз хулқи чиройлиларингиздир», дедилар.
(Термизий ривояти).

Исломда тижоратнинг ҳам ўзига хос ахлоқи бўлиб, у ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деб хабар берадилар:

بَيْطَانٍ : مَسْوَءٍ لِّصَلَاةٍ لِّلْأَقْبَانِ : لِقَائِ بَجْبَجٍ ذَاغُمٌ نَعِ
إِو ، اُونُوحِي مَل اُونُمُتْئَا إِو ، اُوْبُدْكَي مَل اُوْتَدَح إِو نِي دَل اِرَّجَّت ل اِبْسَك بَسَكْل ل
مَل مَّوَيْلَع نَاك إِو ، اُوْرطِي مَل اُوْعَاب إِو ، اُوْمَدِي مَل اُوْرَتَشَا إِو ، اُوْفَلْحِي مَل اُوْدَعَو
اُوْرَسَعِي مَل مَّوَل نَاك إِو ، اُوْلطَمِي

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Касбларнинг энг яхшиси – тижоратчиларнинг касбидир. Улар гапирсалар ёлғон гапирмайдилар, уларга омонат қўйилса хиёнат қилмайдилар, ваъда берсалар хилоф қилмайдилар, сотиб олаётгаларини пастга урмайдилар, сотаётганларини бўрттирмайдилар, қарзларини беришни чўзиб юрмайдилар ва бировга қарз берганларида уни қистамайдилар».
(Байҳақий ривояти).

Мусулмон тижоратчининг омонатдор бўлиши муқаддас динини кўрсатмаси ва топшириғи экан. Ривоятларда келишича Юнус ибн Убайд ҳар хил нархдаги кийимларни сотар эди. Баъзи кийим-кечакларининг нархи тўрт юз танга бўлса, баъзилариники икки юз танга эди. Бир куни ўзининг ўрнига дўконда жиянини қолдириб ўзи намоз ўқиш учун масжидга жўнабди. Шунда дўконга бир аъробий келиб тўрт юз тангалик кийим сўрабди. Унга икки юз тангалиги кўрсатилганда либос унга маъқул келиб уни сотиб олибди. Юнус ибн Убайд йўлда ҳалиги аъробийни учратиб қолибди ва либос ўзининг дўконидан сотилганини пайқаб ундан “Қанчага сотиб олдинг?” деб сўрабди. Аъробий тўрт юз тангага олганини айтгач Юнус ибн Убайд у либос икки юз танга туришини ва қайтариб олиб боришини айтибди. Аъробийнинг: “Биз томонларда бунинг нархи беш юз танга, мен розиман» деган гапига қарамай “Тўғрилиқ мол-у дунёдан яхшироқ» деб дўконидан икки юз тангасини қайтариб берибди, жиянига эса бу иши учун қаттиқ дашном бериб, уни инсофли бўлишга чақирибди.

Бунга ўхшаш воқеани Муҳаммад ибн Мундакир роҳматуллоҳи алайҳнинг ҳаётларида ҳам учратишимиз мумкин. У киши ҳам савдогарлардан бўлиб турли либосларни сотар эдилар. Бир куни ўрнига ёш бола савдо қилиб беш тангалик кийимни ўн тангага сотганлигини билиб қолиб харидорни излашга тушибди. Ахири топгач унга: “Ёш бола сизга беш тангалик кийимни ўн тангага сотибди» дебди. У одам розилигини айтганда унга қарата: «Биз ўзимизга раво кўрганимизнигина бошқаларда бўлишига розимиз. Энди ё ўн тангалик либослардан бирини олинг, ёки беш тангани қайтариб берай, ёки бўлмаса либосни қайтариб пулларингизни олиб кетинг» деб айтибди. Ҳалиги одам беш тангани қайтариб олибди ва одамлардан бу улуғ зот ким эканлигини сўрганида улар Муҳаммад ибн Мундакир эканлигини айтишибди.

Аллоҳ таоло юртимиз бозорларига Ўзининг баракотларини ёғдирсин. Барчамизга муқаддас динимиз кўрсатмасига мувофиқ савдо-сотик қилиб, бу дунё бахти охираат саодатига насиб этсин.

Жалолиддин Ҳамроқулов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 сентябрдаги 03-07/7119-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.